



Тарихдан маълумки, кадимги Андалусия юртида илм-фан, маданият Ислом фатхидан кейин нихоятда юксак чўккига кўтарилган. Бутун Европадан у ерга илм олиш учун минглаб талабалар келишган. Биргина Куртуба (Кордова) шаҳрида 800 та олий илм даргоҳи (мадраса), 1700 та масжид бўлган. Хаммаёк олимлар, хофизлар, факихлар билан тўлиб тошган.

Умавийлар султони Хишом ибн Абдурахмон тахтга чикканда (хижрий 172/ милодий 788 йил) хали уйланмаган эди. Турмуш қуриш истаги тугилиб, ўзига муносиб жуфт танлаш учун келинликка муносиб номзодларга Куръонни тўлиқ ёд олганлик шартини қўйди. Шунда биргина Галин деган жойдан 720 нафар хофиза киз чикди. Султон иккинчи шартни қўйишга мажбур бўлди. У шартга кўра, бўлажак турмуш ўртоғи имом Моликнинг "Муватто" номли ҳадис китобини ҳам ёд билиши керак эди. Шунда ҳам келинликка номзодлар камаймади. Куртубанинг ўзидан 500 нафар кизнинг ҳам Куръони каримни, ҳам "Муватто"ни, ҳам фикх ва қонунларни ёд билиши аникланди...

Андалусия ана шундай илм, маданият ўчоги эди.